



Issues of cybercrime in online payments and card transactions

Bakhtiyor SHARAPOV¹

University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2025

Received in revised form

5 October 2025

Accepted 10 November 2025

Available online

25 November 2025

Keywords:

fraud,
theft,
bank,
online,
credit,
theft,
property,
computer information.

ABSTRACT

This article examines cyber fraud in online and card payments and the socially dangerous consequences of these offences. The author proposes establishing specific criminal liability and recommends supplementing the Plenum of the Supreme Court's resolution with provisions to ensure correct legal classification and mutual differentiation of cyber fraud and cyber theft in the banking sector.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss11/S-pp84-88>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Онлайн тўловлар ва карта орқали тўловларни амалга оширишда киберфирибгарлик масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

фирибгарлик,
талон-тарож,
банк,
онлайн,
кредит,
ўғирлик,
мол-мулк,
компьютер ахбороти.

Мақолада онлайн тўловлар ва карта орқали тўловларни амалга оширишда киберфирибгарлик масалалари, ушбу жиноятларни содир этишнинг ижтимоий хавфли оқибатлари атрофлича кўриб чиқилган. Шу билан бирга, муаллиф томонидан ушбу қилмиш юзасидан муносиб жавобгарликни белгилаш, шунингдек Олий суд Пленуми қарорини банк соҳасида содир этиладиган киберфирибгарлик ва киберўғирликни ўзаро фарқлаш ва тўғри квалификация қилишга оид тегишли қоидалар билан тўлдирилиш таклиф этилган.

¹ Independent Researcher, University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan.

Вопросы кибермошенничества при осуществлении онлайн-платежей и платежей через карту

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

мошенничество,
хищение,
банк,
онлайн,
кредит,
кража,
имущество,
компьютерная
информация.

В статье подробно рассматриваются вопросы кибермошенничества при осуществлении онлайн-платежей и платежей по карте, а также общественно опасные последствия совершения этих преступлений. Автором предлагается установить соответствующую ответственность за данное деяние, а также дополнить постановление Пленума Верховного суда соответствующими положениями о взаимном отграничении и правильной квалификации кибермошенничества и киберкражи, совершаемых в банковской сфере.

Ҳозирги вақтда банк соҳасида, жумладан, масофавий банк тизимлари ёки онлайн-банкнинг “юқори технологиялар” фаол қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу банк хизматларининг пайдо бўлиши банк соҳасида содир этилган фирибгарликларни квалификация қилишни сезиларли даражада мураккаблаштирди. Онлайн банкнинг – бу миқдорнинг банкка шахсий ташрифисиз Интернет орқали банк хизматларини кўрсатишга қаратилган ахборот технологиялари мажмуидир. Онлайн банкнингнинг энг кенг тарқалган намунаси бу телефонлар, компьютерлар, банкоматлар ёрдамида банк операцияларини амалга оширишдир.

Ҳозирги вақтда ушбу турдаги фирибгарликни квалификация қилишда юзага келадиган бир қатор муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Аввало, агар жиноятчи бир вақтнинг ўзида компьютер маълумотларини киритиш ёки ўзгартиришдан фойдаланса ва жабрланувчини алдаса, ушбу қуролмалар ёрдамида содир этилган талон-тарождар қандай квалификация қилинади? Бунда бир хил жиноий ҳаракатлар мажмуи кўпинча турли жиноят-ҳуқуқий тусда баҳоланиши мумкин. Мисол учун, бир киши Интернетда мулкни сотиш бўйича эълонларни топди, эълон муаллифи билан боғланиб, уни банк картаси рақами ва кириш кодини кўрсатишга кўндиради дейлик. Шундан сўнг, жиноятчи карта эгаси номидан автоматлаштирилган тизимларда рўйхатга олинади ва жабрланувчининг барча ҳисобларига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Шундан сўнг маблағлар жабрланувчининг ҳисоб рақамларидан фирибгар томонидан бошқариладиган ҳисобларга ўтказилади.

Шу муносабат билан, бир вақтнинг ўзида компьютер маълумотларини киритиш (ўзгартириш) (Жиноят кодексининг 278⁴-моддаси) ва алдаш (Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди) йўли билан содир этилган фирибгарликни квалификация қилиш қоидаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу суд-тергов амалиётида вужудга келадиган муаммоларни бирмунча ҳал қилади.

Компьютер ахбороти соҳасида фирибгарлик ва ўғирликни фарқлаш қуйидаги қоидаларга асосланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ўзганинг мол-мулкига эгалик қилишни осонлаштириш учун шахс томонидан алдашдан фойдаланилган, кейинчалик бошқа йўл билан талон-тарож қилинган ҳолларда, қилмиш фирибгарлик (Жиноят кодексининг 168-моддаси) сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Иккинчидан, агар жиноятчининг ашёни тасарруф этиш имконияти алдаш натижасида юзага келмаган ҳолатда ҳам, қилмиш фирибгарлик сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Мазкур қоидалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017-йил 11-октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарорига бир қатор тушунтиришлар киритиш зарур кўринади [1].

Биринчидан, шуни аниқлаш зарурки, шахс томонидан алдаш банк ҳисобварағи маълумотларига кириш учун фойдаланилган бўлса, мулкни талон-тарож қилиш эса компьютер маълумотларини киритиш ёки ўзгартириш йўли билан содир этилган бўлса, бундай ҳолатларда қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида, яъни компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик (Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди) ва компьютер маълумотларини ўзгартириш (Жиноят кодексининг 278⁴-моддаси) квалификация қилиниши керак.

Иккинчидан, агар жиноятчи компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда (мобил қурилма орқали Телеграм мессенжери, электрон почта орқали ёки турли хил хабарларни юборишнинг бошқа воситалари орқали) тўғридан-тўғри алдаш натижасида (масалан, шахс ихтиёрий равишда жиноятчига пул суммасини ўтказса) жабрланувчининг мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларини тасарруф этиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда қилмиш фирибгарлик сифатида Жиноят кодексининг 168-моддаси тегишли қисмлари бўйича талон-тарож қилинган мол-мулк миқдорини ҳисобга олган ҳолда квалификация қилиниши керак, бироқ ушбу модданинг 2-қисми “в” бандига ҳавола қилиб бўлмайди, чунки мобил қурилмани компьютер ускунасига тенглаштириш мумкин эмас.

Онлайн-банкнинг тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни квалификация қилиш соҳасидаги иккинчи муаммо – бу банкомат орқали тўлов карталаридан фойдаланган ҳолда содир этилган талон-тарожларни квалификация қилишдир. Бугунги кунда улар анча кенг тарқала бошлади. Шу муносабат билан ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва фанда мазкур талон-тарожни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган фирибгарлик сифатида квалификация қилиш масаласи муҳокама қилина бошлади, чунки банкомат моҳиятан компьютер ҳисобланади.

Шу билан бирга, кўпчилик ушбу фирибгарликнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди: таъсир жабрланувчининг онгига эмас, балки компьютер маълумотларига қаратилади; шахсни алдаш, жабрланувчининг ёрдами билан мол-мулкни топшириш ёки мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш намоён бўлмайди; жиноят қуроли – ахборот, компьютер маълумотларини сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш воситалари ҳисобланади [2].

Шуни таъкидлаш керакки, масалан, хорижий суд амалиётида (Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 декабрдаги 51-сонли “Фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори [3]), бундай талон-тарожлар ўғирлик сифатида квалификация қилинади.

Терминалда кредит олиш ва сохта картадан фойдаланган ҳолда банкоматда пул олиш умумий хусусиятга эга – фирибгарликка хос бўлган алдамчи ҳаракатларнинг йўқлигидир. Шунинг учун, нусхаси автоматик равишда терминал томонидан олинадиган, ўзганинг шахснинг паспортидан фойдаланиб, кредит олиш ҳуқуқига эга бўлиш жиноятини квалификация қилишда, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг “в” бандига ҳавола қилиш мумкин эмас. Ушбу ҳаракатлар кўпроқ ўғирлик белгиларини ўз ичига олади ва бир-бирига ўхшаш қилмиш эканлиги сабабли, банкоматдан сохта кредит карта ёрдамида пул маблағларини талон-тарож каби ўғирлик тарзида баҳоланиши керак.

Агар ҳар икки ҳолатда ҳам битимнинг контрагенти сифатида, ташкилот томонидан ваколат берилган ҳамда жиноят субъектининг ҳаракатларига алданиб қолган жисмоний шахс эмас, балки компьютер намоён бўлиб, жиноятнинг предмети сифатида эса нақд пул кўринишидаги маблағлар гавдаланган бўлса, нақд пул маблағлари шаклидаги кредитни талон-тарож билан банкоматдан нақд пул маблағларни талон-тарож қилишни турлича квалификация қилишни асосли деб ҳисоблаш қийин.

Шу билан бирга, банкоматга махсус техник мосламалар ўрнатган, кейинчалик банк картасидан пул маблағларини талон-тарож (маълумот, карта кодлари ва паролларини ўқиш орқали) содир этган судланувчининг хатти-ҳаракатлари нафақат Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан (қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиш) билан, балки шунингдек, Жиноят кодексининг 278²-моддаси (Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш), билан квалификация қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз, чунки ушбу модда диспозициясида бошқа нарсалар қатори, “компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш”га ишора қилинади.

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорига ўзгартириш киритишни ва қарорнинг 20-бандини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз.

“20. Тушунтирилсинки, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси иккинчи қисми “в” банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади. Бундай фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, молия, банк муассасалари компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин.

Башарти шахс томонидан алдаш банк ҳисобварағи маълумотларига кириш учун фойдаланилган бўлса, мулкни талон-тарож қилиш эса компьютер маълумотларини киритиш ёки ўзгартириш йўли билан содир этилган бўлса, бундай ҳолатларда қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида, яъни компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик (Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “в” банди) ва компьютер маълумотларини ўзгартириш (Жиноят кодексининг 278⁴-моддаси) квалификация қилиниши керак.

Шу билан бирга, агар жиноятчи компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда (мобил қурилма орқали Телеграм мессенжери, электрон почта орқали ёки турли хил хабарларни юборишнинг бошқа воситалари орқали) тўғридан-тўғри алдаш натижасида (масалан, шахс ихтиёрий равишда жиноятчига пул суммасини ўтказса) жабрланувчининг мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларини тасарруф этиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда қилмиш фирибгарлик сифатида Жиноят кодексининг 168-моддаси тегишли қисмлари бўйича талон-тарож қилинган мол-мулк миқдорини ҳисобга олган ҳолда квалификация қилиниши керак, бунда ушбу модданинг 2-қисмининг “в” бандига ҳавола қилиш шарт эмас.

Банкоматга махсус техник мосламалар ўрнатган, кейинчалик банк картасидан пул маблағларини талон-тарож (маълумот, карта кодлари ва паролларини ўқиш орқали) содир этган судланувчининг хатти-ҳаракатлари нафақат Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди (қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиш), балки Жиноят кодексининг 278²-моддаси (Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш) билан ҳам квалификация қилиниши керак”.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Жиноят кодексига кибер талон-тарож бўйича тегишли моддалар мавжуд бўлмаган шароитда, ушбу тушунтиришларнинг киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларга талон-тарожнинг ушбу энг замонавий турларини бир хилда ва тўғри квалификация қилишда ёрдам бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.lex.uz/docs/3399892>
2. Третьяк М.И. Правила квалификации компьютерного мошенничества и преступлений, предусмотренных гл. 28 УК РФ // Уголовное право, 2014. № 4 // СПС «КонсультантПлюс».
3. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_74060/